



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № С/Д-13

между ТАХИАТОШ ТЙФУК и Коракалпогистон Республикаси худудий автомобиль йуллари Бош бошкармаси на общую сумму 39632000,00

Глава 118
Казначейский лицевой счёт 304510860354017045162118001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4233100			
Январь	20 355 000,00			20 355 000,00
Февраль	9 638 000,00			9 638 000,00
Март	9 639 000,00			9 639 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	39 632 000,00			39 632 000,00

Всего 39632000,00 сум

Тридцать девять миллионов шестьсот тридцать две тысячи сум
00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____% *** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах)

Руководитель заказчика

М.П.



(подпись)

Ernazarov Юсуп Курбанбаевич

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Палекеев Зарипбай Жумабаевич

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

С/Д-13 сонли
САҚЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ШАРТНОМАСИ

Нукус ш.

«5» январь 2022 йил.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси (АЙББ) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиқ в.в.б. **Ю.Ерназаров** ва иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган Тахياتош тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (ТЙФУК) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **У.Джумабаев** иккинчи томондан

1. 4Р-171 г «А-380 йўлидан Тахياتош шахрига шахобча» а/й.нинг 0-12 км узунлиги 12 км автомобиль йўлини (**кейинчалик – объектлар**) **сақлаш** ишларини бажаришга доир мазкур шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

Сақлаш – автомобиль йуллари ва йул иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йулининг бутун узунлигида йил мобайнида бажариладиган автомобиль йуллари ва йул иншоотларининг техник курилмалари иш режимлари буйича комплекс ишлар, йул, йул иншоотлари ва ажратилган минтакага қараш, дойимий равишда пайдо буладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъмирлаш. Шунингдек автомобиль йулларини кишда сақлаш ва кукаламзорлаштириш буйича комплекс ишлар;

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган **сақлаш** ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан жорий нархларда ҚҚС **39 632 000 (ўттиз тўққиз миллион олти юз ўттиз икки минг)** сўми ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўприклар ва тоннелларнинг) **сақлаш** ишлари қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Мазкур шартнома буйича Бажарувчи шартномада курсатилган ишларни бажариш учун:

объектлар буйича дефект актларини тузиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Автомобиль йўллари ва йул иншоотларини сақлашни тасдиқланган сметаларга мувофиқ автомобиль йулининг узунлигида бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари буйича мунтазам равишда амалга оширади.

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

сақлаш майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йулида ҳаракат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарактларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

сақлаш майдони кўриқланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Бажарувчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолатини таъминланиш учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Бажарувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Бажарувчи январь ойидан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

9. сақлаш ишларининг давом этиш вақти 2022 йил 5 январдан бошланиб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

Шартнома муддати: Шартнома Ҳазначилик бошқармасида руйхатдан ўтказилгандан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

10. Буюртмачи томонидан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширади

11. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ҳар чоракда режалаштирилган иш қийматининг 40 фоизи миқдоридан аванс маблағ ўтказилади.

Буюртмачи ва Бажарувчи ҳар ойнинг 25 кунда бажарилган ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат курсаткичлари эттирилади ва жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, объектнинг ойлик шартномавий қийматининг 60 фоизи миқдоридан, амалий бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан ва қабул қилингандан кейин Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

12. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Бажарувчининг зиммасида бўлади.

13. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Буюртмачи объектда ўз вақилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Бажарувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

15. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

16. Бажарувчи техник кузатувчини ишлаши учун меҳмонхона ва ҳаракатланиш учун транспорт билан таъминлайди. Техник кузатувчи Бажарувчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

17. Бажарувчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кундан 25 кунгача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) шу ойнинг 25 кунига қадар Буюртмачига топширади.

18. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Бажарувчи объектда ишларни олиб бориш тартибини ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Объектда умумий тартибни таъминлаш Бажарувчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Бажарувчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

22. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Бажарувчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Бажарувчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

23. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

24. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

25. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. КАФОЛАТЛАР

26. Бажарувчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Бажарувчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Бажарувчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган бажарилган ишлар суммасини Бажарувчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

27. Бажарувчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

X. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

28. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бажарувчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Бажарувчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Бажарувчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

29. Бажарувчи:

ишларнинг бажарилиши Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Бажарувчига тўлайди.

31. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­но­ма юборади.

32. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади. Бажарувчи далолатнома асосида қабул қилиб олган автомобиль йуллари ва йул иншоотларига «Автомобиль йуллари тугрисида»ги қонунга асосан мулкый жавобгардир.

Бажарувчи ушбу шартномага асосан **Саклаш** майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йулида ҳаракат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофазасини таъминлашга жавобгардир ва **Ўзбекистон Республикаси Қонунларига** асосан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Саклаш ишларини олиб бораётган Бажарувчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

Бажарувчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, Бажарувчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар Бажарувчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ўз кучи билан Бажарувчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

36. Бажарувчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчи ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

37. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

38. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда итисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XIII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Бажарувчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

42. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

43. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ

Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари
худудий бош бошқармаси
Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли гузори 16/1 уй
ИНН 200349889 ОКЭД 84130
л/с 304510860354017045162118001
УзР Молия вазирлиги газначилиги
х/р 23402000300100001010
МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри
МФО 00014 ИНН 201122919

Бошлиқ в.в.б:



Ю.Ерназаров

Бош юристконсулт:

Х.Якупов

БАЖАРУВЧИ

Тахиаташ тумани йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси
Тахиатош шаҳри, Ш.Рашидов 38Б
Ўз.Р. ТИИ Миллий банк КК бўлими
м/р 22626000200970251002 МФО 00582
ИНН 305 986 763 ОКЭД 42110

Директор



У.Джумабаев